# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ РОЛИ

*К.А.Юнусов*

*В статье рассматривается роль негосударственных и общественных организаций в создании гражданского общества.*

*This article deals with the role non state and public organizations in creation of a civil society.*

Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг муҳим омилларидан, шартларидан бири – фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдан иборат. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Ана шу йўллардан бири – уларни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига жалб этишдир.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги уларнинг муайян манфаатларини рўёбга чиқариш йўлидаги хатти-ҳаракати орқали юзага келади. Фуқароларнинг ҳар қандай ижтимоий манфаатлари эса муайян давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари орқали қондириб борилади.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиб бориш жараёнида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатларини, қизиқишларини қондириб боришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг роли каттадир. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаб кўрсатадики: "…иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа, авваламбор, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир"[1.22.]. Ушбу вазифани бажаришда нафақат давлат муассасалари, балки нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳам фаол иштирок этиши талаб қилинади.

Фуқаролар онгида демократик қадриятларни шакллантириш ва мустаҳкамлаб бориш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа мазмундаги фуқаролик фаоллигини ошириш ҳамда юртимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини янада чуқурлаштириб боришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда АҚШда 1 млн.дан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритади, бу эса ҳар 300 кишига биттадан ННТ тўғри келади демакдир. Уларда Америка аҳолисининг 7,8 фоизи хизмат қилади. Ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд аҳолининг 4,9 фоизи бевосита нодавлат соҳада меҳнат қиладилар. Бу кўрсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 11,5, Бельгияда 10,5, Исроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир. Россияда ҳозирда 600 мингдан зиёд ННТлар фаолият кўрсатаётган бўлиб (ҳозирда Россия аҳолиси 142 миллионга яқин), ҳар 236 кишига биттадан ННТ тўғри келади. Россия Федерациясининг биргина Ярославль вилоятида ҳозирда 4000 га яқин ННТ расман рўйхатга олинган. Аммо ҳозирда уларнинг 30 фоизигина фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда эса ҳозирда жами 5100 дан зиёд ННТ ва жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатаётган бўлиб, ҳар 5300 кишига биттадан нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари тўғри келади.

Уларнинг салмоғи йилдан-йил ортиб бормоқда. "Мазмун-моҳиятига кўра, - деб таъкидлади Президентимиз Ислом Каримов, – социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда.

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантириш, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади"[1.27].

Шу ўринда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларини давлат муассасаларидан фарқловчи асосий хусусиятларига эътибор қаратиш лозим.

Давлат муассасаларида ходимлар муайян аниқ тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда, маъмурий йўриқномалар, буйруқ ва талаблар асосида фаолият юритадилар. Бизнингча, субординация (хиз-

матда: кичикларнинг даражама-даража катталарга бўйсуниши – К.Ю.) асосида йўлга қўйилган фаолият кўлами шахснинг эркин фаолият кўрсатишини муайян тарзда чеклаб қўяди. Давлат муассасаларида амал қиладиган маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув шахс фаоллигини, ташаббускорлигини маълум жиҳатдан чеклаб қўяди. Демократик тамойилларга асосланадиган, либерал, очиққўнгил, ҳар қандай индивидуализм, валюнтаризм ва субъективизмдан холи, адолатли, танқидга бардошли, ҳар бир масалага объектив, холис ёндашувчи ва шу каби хислатларни ўзида мужассамлаштирган раҳбарни ҳар бир ташкилот ва муассасаларда ҳам учратиш қийин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари эса ўз моҳияти жиҳатидан давлат муассасаларидан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: "Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади"[5.11].

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва ана шу қонун асосида фуқаролар ўзларининг ижтимоий манфаатлари ҳамда имкониятларини эмин-эркин рўёбга чиқара олиши – жамият ҳаётида ўзини ўзи бошқариш тамойилининг амал қилишини таъминлайди. Бундай шароитда фуқаролар ўзларининг ички имкониятларини, ижодий қобилиятини ҳамда салоҳиятини амалга ошириш имконига эга бўладилар. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш айни ана шу тамойилга асосланади.

Фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари айни нодавлат ва жамоат бирлашмалари орқали шаклланиб боради. Унинг амал қилиб бориши билан жамият ҳаётида авторитар ва тоталитар бошқарувга хос хусусиятлар барҳам топиб боради.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий ва муҳим бўлган жиҳати – фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллигига эришиш орқали уларнинг юксак маънавиятли шахс сифатидаги камолотини таъминлашдир.

Ҳар қандай нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг жамият ижтимоий ҳаётида самарали фаолият кўрсатишининг асосий ва муҳим шарти – уларнинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлигидир.

2008 йил июль ойида Республика Олий Мажлисининг қўшма мажлиси қарорига кўра нодавлат нотижорат ташкилоталари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил қилинди.

Ушбу фондни ташкил қилишдан асосий мақсад республикамизда фаолият кўрсатаётган ННТларни давлат бюджети ҳисобидан молиявий маблағ билан таъминлашдан иборатдир. "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарорга биноан, ҳозирда ННТлар фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди. Кейинги уч йил (2008-2010 йиллар) давомида ушбу Жамоат Фонди томонидан ННТлар учун 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.[2].

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари қандай? Ҳозирда бу соҳада мавжуд муаммолар нималардан иборат? Уларни бартараф этишнинг йўллари қандай? - деган саволларга жавоб излаш талаб этилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболларини муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида асослаб берди.

Юртбошимиз ўз маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ролини янада ошириш учун бир қатор қонунлар қабул қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Хусусан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб берди. Ушбу қонунда ННТларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, ННТлар учинчи сектор деб ҳам юритилади. Биринчи сектор – давлат муассаса ва ташкилотлари, иккинчи сектор эса турли ижтимоий-иқтисодий йўналишларда фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобланади. Бунга кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланувчи турли туман хусусий корхона ва ташкилотлар киради.

Бизнингча, юқорида номи келтирилган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ана шу учала сектор ўртасидаги ўзаро ижтимоий шериклик муносабатлари ўз ифодасини топмоғи лозим.

Масалан, 2010 йил октябрь ойида Андижонда “Интеллект” нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил қилинди ва ҳозирги кунда ушбу ташкилот ўзига аҳолининг турли табақаларига мансуб юздан ортиқ фуқароларни, асосан, зиёлилар, илмий ходимлар, докторант, аспирант, магистрант ва иқтидорли талабаларни бирлаштирган.

Ушбу ННТ фаолият кўрсатишининг мақсади – фан, таълим, инновацион технологиялар бўйича жаҳоннинг илғор, ривожланган мамлакатларида эришилган энг сўнгги ютуқларни, янгиликларни, ғояларни интернет тизими ва бошқа манбалардан излаб топиш ва уларни Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига, фан, таълим тизимига, ишлаб чиқаришга, турмушга ва бошқа соҳаларига татбиқ этишдан иборат. Миллий қадриятларимизни дунё ҳамжамиятига тарқатиш, дунё миқёсида фан ва технологияларда рўй бераётган ўзгаришларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий оқибатларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, тегишли жойларга илмий тавсиялар ҳавола этиш, шу соҳада ишлаётган олимлар, қобилиятли ёшлар томонидан илгари сурилаётган илмий-ижтимоий мазмундаги ғояларни ҳаётга татбиқ этиб бориш ҳам ННТнинг мақсадига киради.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун эса, энг аввало, давлат ташкилотлари, вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ташкилотларнинг молиявий кўмаги зарур. Чунки ННТларнинг бевосита фойда келтирадиган молиявий манбалари йўқ.

Фуқаролик жамияти институтлари, ННТларни шакллантириш ва ривожлантириб боришда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш талаб этилади.

Энг асосий муаммо – ННТларнинг молиявий маблағ билан таъминланиши муаммосидир. Молиявий маблағсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Ҳозирда кўплаб ННТларнинг асосий муаммоси ҳам шундан иборат. Нафақат бизда, балки чет мамлакатлардаги ННТларнинг ҳам муаммоси ҳам шу экан. Масалан, Россия Федерациясининг Ярославль вилоятида ҳозирда 4000 дан ортиқ ННТлар расман рўйхатдан ўтган бўлса-да, уларнинг фақат 30 фоизигина фаолият кўрсатмоқда. Қолган 70 фоиз ННТлар молиявий ночор аҳволда бўлгани туфайли амалда фаолият кўрсатмаяпти. Бу муаммони ҳал этиш йўли: ННТларга ажратиладиган давлат грантлари маблағларини олиш учун зарур ҳужжатлар қабул қилиш тартибини соддалаштириш лозим.

Мамлакатимизда ННТларни шакллантириш ва ривожлантиришда яна бир муаммо – янгидан ташкил этилаётган ННТларни давлат рўйхатидан ўтказишдаги айрим маъмурий қийинчиликлардир. Ҳозирда биздаги мавжуд маъмурий-бюрократик тартиб, масъул лавозимда ўтирган айрим шахсларнинг лоқайдлиги туфайли ННТларнинг шаклланиши суст кечмоқда. Бу муаммони бартараф этиш учун шу соҳа бўйича адлия вазирлиги ва унинг вилоятлардаги бўлимлари фаолиятига махсус талаблар қўйилиши лозим бўлади.

Ўзбекистонда кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиб бориш жараёнида ННТлар фаолиятини кучайтиришдаги яна бир муҳим муаммо фуқаролик жамияти институтларини ташкил қила оладиган ва уларга раҳбарлик қила оладиган кадрларнинг етарли эмаслигидир. Ушбу муаммони бартараф этиш учун эса қуйидаги таклифни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тайёрланаётган раҳбар кадрлар республикамизнинг турли вилоятларида, давлат бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар. Бизнингча, ушбу нуфузли даргоҳда нафақат давлат қурилишида, балки жамият қурилишида (фуқаролик жамияти институтларида) ҳам фаолият юритиб, ижтимоий ҳаётимизнинг турли йўналишларининг долзарб соҳалари бўйича янгидан янги ННТларни туза оладиган ва уларга раҳбарлик қилувчи кадрларни ҳам махсус курслар орқали тайёрлаш лозим.

Ушбу махсус курсларга республикамизнинг барча вилоятларидаги олий ўқув юртларининг шижоатли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган профессор-ўқитувчиларини жалб этиш мақсадга мувофиқ. Уларга жамиятимиз ҳаётининг долзарб муаммоларини бартараф этишга қаратилган ННТларни ташкил этишнинг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий йўналишлари бўйича билим ва малакалар бериш зарур бўлади.

Бу кадрлар давлат органларида эмас, балки фуқаролик жамияти институтларида, ННТлар тузишда ва уларга раҳбарлик қилишда фаолият кўрсатадилар. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролик жамияти қурилиши раҳбар кадрларини тайёрлашга ҳам эътиборни кучайтирмоқ жоиздир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш лозим.

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолияти аҳолининг турли қатлам ва гуруҳларини, уларнинг ижтимоий-сиёсий манфаатлари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондириб боришга йўналтирилгандир. Уларнинг фаолиятида ўз аъзоларига кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий, руҳий-маънавий таъсир маъмурий-юридик таъсирдан кўра устивордир. Шу жиҳатдан ҳам улар давлат муассасаларидан фарқланади.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятида ўз аъзоларига тазйиқ ўтказиш, уларни жазолаш, ишдан ҳайдаш каби ижтимоий санкциялардан кўра кўпроқ уларга кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш каби инсонпарварлик хусусиятлари, фуқаролик жамияти тамойиллари устивордир. Шу жиҳатдан ҳам улар давлат муассасаларидан фарқ қилади.

3. Мамлакатни модернизация қилишда ННТларнинг биринчи ва иккинчи сектор билан ижтимоий шериклик асосидаги фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Умумий мақсад йўлида уларнинг биргаликда фаолият юритиши, ўзаро муносабатда бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.

Чунончи, Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусида қилган маърузасида кўрсатиб ўтган “юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш”[3]да учала секторнинг ўзаро шерикчилик асосидаги фаолияти нафақат керак, балки ўта зарурдир.

Бундай ижтимоий шерикчилик шундай асосда ташкил қилиниши лозимки, биринчи сектор иккинчи ва учинчи секторларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб бериши зарур. Биринчи, иккинчи ва учинчи секторлар ўзаро ижтимоий-иқтисодий, илмий-амалий характердаги лойиҳаларни амалга ошириб бориш жараёнида яқиндан ҳамкорлик қилишлари лозим. Ижтимоий шериклик тизимида учинчи секторнинг, яъни ННТларнинг асосий вазифаси мамлакатимизни модернизация қилишга қаратилган инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни биринчи ва иккинчи секторга ҳавола қилишдан иборат. Ўз навбатида, биринчи ва иккинчи секторларнинг вазифаси бу ғояларни амалга оширишда учинчи секторни молиявий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади.

4. XXI аср бошида қудратли давлатларнинг ривожланаётган давлатлар устидан ҳукмронлик қилиш, уларни ўз таъсири остига олишга интилиши янада кучайди. Бу давлатлар ўзларининг экспанция сиёсатини янгича усул ва воситалар орқали амалга оширишга интилмоқдалар. Шулардан бири – муайян минтақалар, давлатлар ва халқлар ўртасида демократия тамойилларини ёйиш баҳонаси билан турли номдаги ННТ, жамғарма ва марказлар орқали ўз мақсдларига эришишдан иборат.

Дунёга ҳукмронликни даъво қилаётган давлатлар ўз сиёсатини, сиёсий ғояларини, турмуш тарзини ўзга юртларда тарқатиш, ёйиш учун турли номдаги нодавлат ташкилотлари, марказлар, жамғармалар фаолиятидан устомонлик билан фойдаланишга интилмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, фуқаролар, миллат ва жамият манфаатларини ўзида мужассамлаштирган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришга кенг имкониятлар, ижтимоий шарт-шароитлар яратилиши лозим. Уларга ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

5. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини амалга ошириш – кенг аҳоли оммасининг турли қатламлари, гуруҳларининг ижтимоий фаоллигини ошириб боришни тақазо этади. Бундай мураккаб вазифани бажаришда ННТлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада шахс, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари манфаатларини, қизиқишлари ҳамда эҳтиёжларини ўзида ифодалаган ижтимоий лойиҳалар танловларини ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ.

6. Давлат ёки ҳомийлар томонидан молиявий таъминланган ижтимоий лойиҳани амалга ошириб бориш самарали натижалар берган тақдирда, уларнинг келгусидаги фаолиятини молиялаштириш янада муҳим аҳамият касб этади. Унинг муҳимлиги шундаки, бундай ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, янги типдаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклланишига олиб келади.

Бундай ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад – ижтимоий фаол бўлмаган аҳоли гуруҳларининг манфаатларини қондириш ва уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириб боришдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик

жамияти тамойилларининг жамиятимиз ҳаётида кенгроқ ва янада кўпроқ амал қилиб боришини таъминлайди.

7. Ҳозирги давр ижтимоий муносабатларида шахс, аҳолининг турли қатлам ва гуруҳлари мақсад-манфаатларини хилма-хил шаклда қондириб боришга, улар ўртасида ижтимоий мувозанатни таъминлашга қаратилган фуқаролик жамияти институтлари – нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолияти – Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

***Адабиётлар:***

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи.- 2010.- 13 ноябрь

3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи.- 2010.- 8 декабрь

4. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни.-1991 йил 15.02. №223-XII.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 1999. 14.04. № 763-I.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2007 йил.

7.Ўзбекистондаги нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг назарий асослари.(Президент Ислом Каримов асарлари асосида) Қўлланма./ К.А.Юнусов таҳрири остида.- Андижон, 2008

8.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. Рисола./ К.А.Юнусов таҳрири остида.- Андижон, 2009

9. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятида миллий ғоя тарғиботи. Қўлланма./ К.А.Юнусов таҳрири остида. - Андижон, 2010

10.Фуқаролик жамиятини барпо этишда ва баркамол авлодни вояга етказишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Андижон, 2010

*Андижон давлат университети*
*2010 йил 27 ноябрда қабул қилинган.*